

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 23 февраль, № 40 (8102)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок ҳудудларда ер қонунчилиги ривож қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни таъминлаш зарур.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳўқуқларни ишончли ҳўмоа қилиш ва уларни бозор активига айналтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

боғлиқ республика ва маҳаллий дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ва мўлжалланмаган ер участкаларини ажратишда Ер кодексига белгиланган талабларга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан доимий назоратни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — "E-qaror" тизимини (кейинги ўринларда — "E-qaror" электрон тизими) доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳўжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларга нисбатан таъсир чораларини қўриб бориш; ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳўқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқарраблиги таъминлини устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳўжатларига риоя этилиши аҳолининг мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳўқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

илгор хорижий таъжриба асосида ердан оқилона фойдаланиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, шунингдек, соҳага йўналтириладиган тегишли бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари маблағлари мақсадли сарфланишини ўрганиб бориш.

(Давоми 2-бетда.)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИНИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорига талаб ва тақлиф номуносабиблигини қисқартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги "Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6244-сон Фармонига мувофиқ республиканинг 24 та туман ва шаҳарлари қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликларининг:

1-иловага мувофиқ республиканинг 8 та туманида хом ашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришга қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш;

2-иловага мувофиқ республиканинг 16 та туман ва шаҳарларида бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;

хар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва тайёр қўп қаватли уй-жойлар қуришга қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда.)



Ўзбекистон — ОТОИИК: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

2 март куни Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига 30 йил тўлади. Утган йиллар давомида конструктив ҳамкорлик ўрнатилди, республикамиз халқаро майдонда Миллатлар ҳамжамиятининг фаол аъзоси сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Иқтисодий соҳаси мазкур йўналишлардан бири. Бу йўналишда БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ОТОИИК) мамлакатимизнинг муҳим шериги ҳисобланади.

Биз ва жаҳон

Жуғрофий қамрови ва аҳоли сони бўйича БМТнинг бешта минтақавий комиссиясининг энг йирик органи ОТОИИК 1947 йил 28 март куни ташкил этилган. Комиссиянинг қароргоҳи Бангкок (Таиланд) шаҳрида жойлашган. Комиссия 53 та овоз берувчи мамлакатдан, шу жумладан, МДҲнинг саккизта давлатидан (Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон) ва сиёсий мустақиллик даражасига етмаган 9 та ҳудуддан иборат бўлиб, улар маслаҳатчи овоз бериш ҳўқуқига эга ассоциация аъзолари мақомига эга. Тўрт давлат — Буюк Британия, Нидерландия, АКШ ва Франция "минтақавий бўлмаган аъзолар"дир. ОТОИИК Ижрочи котиби лавозимда 2018 йил 1 ноябрдан буён БМТ Бош котибининг ўринбосари Армида Сальсия Алишхўбана фаолият кўрсатиб келмоқда.

Комиссияда тўққизта кўмита мавжуд бўлиб, кўмита сессиялари ҳар икки йилда бир марта баъта ўтказилади. Ўзбекистон 1992 йил 31 июль куни ОТОИИКга аъзо бўлди. Мамлакатимизнинг Бангкокдаги Бош консули бир вақтинг ўзида Ўзбекистоннинг комиссиядаги вакили вазифасини бажаради.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



МУКАММАЛ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида битта қонун лойиҳасини масъул кўмитага қайтарди. Мажлисда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларидаги ҳар бир модда қизгин торттишувлар асосида батафсил, чуқур муҳокама қилинди.

Бундай ёндашув ҳар бир ҳўжатнинг мукаммал, пишиқ-пукта бўлишини таъминлайди. Зеро, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш, уларнинг халқимиз ҳаётидаги таъсирчанлигини ошириш ҳамда назоратини кучайтириш парламент олдидаги устувор мақсад саналади.

Ҳўжат лойиҳаси нега кўмитага қайтарилди?

Кейинги йилларда кулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳўмоа қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Соҳада олиб бориладиган ишларни ҳўқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида "Давлат мулкни бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳўжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида иккинчи ўқишда атрофлича модда-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун ҳўжатларида давлат мулкига эгаллик

қилиш (давлат мулкни сақлаш) бўйича аниқ мезонлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 24 минг 927 та давлат муассасаси, 2 минг 285 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд бўлиб, давлатнинг иқтисодий таъсирчанлиги кўпайиб бораётганлиги кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳаси билан давлат мулкига эгаллик қилиши асослаш принциплари белгиланаётди. Халқаро таъжриба ва хорижий экспертларнинг тавсиясига кўра, давлат корхоналари учун корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига асосан давлат мулкни ягона ваколатли орган томонидан бошқарилиши энг яхши таъжрибадир.



ДАВЛАТ ҚАРЗИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистонда давлат қарзи ва ташқи қарз билан боғлиқ ҳолатни мунтазам назорат қилиш, унинг хавфсиз чегарасини белгилаш ҳамда бу борадаги хавф-хатарларнинг олдини олиш каби масалалар доимий эътиборда. Хусусан, Президентимиз яқинда Ташкентнинг Сергели ва Янгиҳаёт туманларига ташрифи доирасида фаоллар билан бўлиб ўтган учрашувда ушбу масалага аҳамият қаратиб, ташқи қарз халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганлиги, унинг миқдори бошқа давлатлар билан солиштирилганда анча паст эканлигини халқимизга оқддий ва содда қилиб тушултириб берди. Давлатимиз раҳбари ташқи қарз ҳаммага ҳам берилавермаслигини, бунинг учун мамлакатнинг ташқи дунёдаги нуфузи ва унга нисбатан ишонч бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Нукта назар

Бир қарашда оқддийгина ифодаланган бу сўзлар мазмун-моҳиятига кўра, давлат қарзи ва давлат ташқи қарзига оид тушунча ҳамда фикрларимизни анча тараққилантиришимизни талаб этади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ҳолатга қараб қарз олишга бўлган эҳтиёж туғилиши табиий. Унга талаб нафақат иқтисодий инқироз ёки турғунлик ҳолати, балки айрим стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар ёки дастурларни амалга ошириш учун ҳам бўлади. Масалан, мамлакат инфраструктурасини раванг топтириш, камбағалликни қисқартириш, кичик ва ўрта бизнесни ривож-

лантириш, мудофаа қўбилиятини кучайтириш ва ҳокзо, Давлат бюджетни бундай юкни кўтара олса яхши, акс ҳолда кўзда тутилган муҳим вазифалардан воз кечиш керак бўлади ёки Давлат бюджетнинг юзага келган тақиллигини қарз ҳисобига ёпиш зарурати туғилади. Тақчилликни ёпишнинг ҳам иккита манбаси бор: биринчиси — солиқларни ошириш, иккинчиси — қарз жалб қилиш.

Дунёда бирорта мамлакат йўқки, давлат қарзи муаммосига дуч келмаган бўлса. Ички ва ташқи манбалар ҳисобига жалб қилинган қарз маблағлари, агар у самарали бошқарилмаса, қаран-

дай мамлакатнинг молиявий барқарорлиги ва инвестициявий муҳити учун жиддий муаммолар келтириб чиқариши табиий. Бу ҳақда кўп ёзилган бўлса ҳам айташ жоизки, 2008-2009 йилларда дунё иқтисодиётида юзага келган иқтисодий бўҳроннинг асосий сабабларидан бири сифатида қарз билан боғлиқ таҳлика ҳамда таҳдидларни ҳисобга олмаслик ва давлат қарзини бошқаришда ушбу таҳдидларни тез илғаб, унга қарши чоралар кўра оладиган тизимнинг йўқлиги тан олинган.

Четдан олинган қарз бир қанча хатарларни келтириб чиқаради. Чет эл валютасида катта миқдорда олинган қарз валюта курсининг кескин ўзгаришига ҳамда молиявий босим ортишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу муаммо, айниқса, ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш даврида бўлган мамлакатларни хавотирга солади. Лекин, шунга қарамадсан, дунё иқтисодиётида қарзга бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Ва бундай ҳолат бир қанча саволларни келтириб чиқариши табиий.

Кўйида уларни муҳокама қилиш орқали давлат қарзи борасида Ўзбекистондаги ҳолат бўйича айрим ижтимоий тармоқларда билдирилаётган саволлар, шўбха ва хавотирларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.



Давра суҳбати

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг функционал таҳлилида нималар аниқланди?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни тақомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида учта таъжриба ҳудудида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг функционал таҳлили амалга оширилди.

Кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати аъзолари, тегишли партиялар, маҳаллий Кенгашлар вакиллари ва халқаро экспертлар иштирокида ушбу таҳлилнинг якуний натижалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирда функционал таҳлил маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларнинг ижро ҳўкимияти органлари устидан назоратни мустаҳкамлаш ҳамда Кенгашларнинг аҳоли муаммоларини ечишдаги ўрнини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.



ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТИ

2022 йилнинг январь ойида Ўзбекистон экспортида юқори улшга эга бўлган ҳамкор давлатлар:

РОССИЯ 180,7 млн. \$	КОЗОҒИСТОН 60,9 млн. \$	ТОЖИКИСТОН 32,9 млн. \$
ХИТОЙ 157,1 млн. \$	КИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ 51,3 млн. \$	УКРАИНА 13,3 млн. \$
ТУРКИЯ 121,6 млн. \$	АФҒОНИСТОН 37,6 млн. \$	ЭРОН 12,7 млн. \$

2022 йилнинг январь ойида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 3,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган.



Манба: Давлат статистика кўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Прокуратура органлари зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура таркибида **8** та штат бирлигидан иборат бўлган **Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси** (кейинги ўринларда — Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида эса умумий сони **56** та штат бирлигидан иборат бўлган **Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлиmlари** (кейинги ўринларда — бўлиmlар) ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган Бошқарма ва бўлиmlар прокуратура органларининг 32 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг 15 та, Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 7 та, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аграрнонаот мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 10 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Бошқарма ва бўлиmlар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини бараект аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратураларга юклатилган вазифаларининг ижро этиб борилишини ташкиллаштирсин.

3. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда **жамоатчилик назоратини кучайтириш** мақсадида **2022 йил 1 мартдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бўйича Бош прокуратура (1007 қисқа рақами) ва Кадастр агентлигига (1097 қисқа рақами) **юборилган фотосурат ва видеоёзувлар** қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқиладиги;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандчилигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиларига (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) ўз ҳудудида қурилиш бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи бериллади, бунда:

мазкур сўровлар **5 иш кунида** мажбурий тартибда қўриб чиқилиб, қурилиши бошланган бино ва иншоотларга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлар асосида олинган маълумотларни ўз биносида барча фуқаролар учун қўринарли бўлган жойда жойлаштирилади ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни бир кўнлик муддатда ер соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга тақдим этади. Кадастр агентлиги **икки ой муддатда** Ер кодексининг 84-моддасида назарда тутилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний фойдаланиш бўйича хабар берган шахсларни пул муқофоти билан рағбатлантириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки, ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини юритиш бўйича яратилган **“Е-УЕR NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини** (кейинги ўринларда — “Е-УЕR NAZORAT” тизими) **такомиллаштириш** мақсадида:

“Е-УЕR NAZORAT” тизимига ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини қўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг ҳудудий бўлиmlарини ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари **масъул ҳисобланади**;

“Е-УЕR NAZORAT” тизимида ер участкалари билан боғлиқ содир этилган **жиноятлар бўйича маълумотлар харитаси алоҳида юритилади**.

Кадастр агентлиги Бош прокуратура ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда **бир ой муддатда** “Е-УЕR NAZORAT” тизимига қўзғатилган жиноят ишлари ҳақидаги маълумотларни киритиш тартибини белгиласин.

5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра ташкил этилаётган Бошқарма Адлия вазирлиги билан биргаликда:

“Е-қағоғ” электрон тизими орқали **маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равишда мониторинг** қилиб боради;

мониторинг натижаларига қўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар юзасидан дарҳол **прокурор назорати таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди**.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мақтабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ:

уч ой муддатда ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланилишини ўрганиб бурсин;

ҳар чоракда ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни Бош прокуратурага тақдим этиб бурсин.

Мазкур бандда назарда тутилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига бириктирилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши ҳамда улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича **шахсий масъулият юклатилсин**.

7. “Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** синов тарикасида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қўнраб ва Тошкент туманларида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чораларини кўрсин.

Вазирлик ва идоралар “Ўзбеккосмос” агентлиги сўровига асосан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминласин.

Бунда космик суратларни олиш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар “Ўзбеккосмос” агентлиги ва Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўлланади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда ўтказилган синов натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг бутун ҳудудида жорий этиш юзасидан тақлифларини **2023 йил 1 мартга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзларининг юридик хизматлари, ҳудудий адлия ва прокуратура

органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорларини **қуйидаги график асосида хатловдан ўтказиб**, уларнинг электрон нусхаларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин:

2022 йил 1 майга қадар — 2016 — 2021 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2022 йил 1 августга қадар — 2006 — 2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2023 йил 1 январга қадар — 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

“Узархив” агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг бўйруқларини **хатловдан ўтказиб**, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

Ҳоким ёрдамчилари хатлов натижасида аниқланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида **фуқароларга фаол амалий ёрдам кўрсатсин**.

9. Ер кодексининг 83¹-моддасида ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобнамаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аҳолини сифатли ва ер участкаларини хатловдан ўтказилган бино таъминлаш, ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилганлиги мақсадида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экин ерларидан оқилона ва парвариланган аҳоли бўйича **ҳар чоракда камида бир маротаба** мониторинг ўтказсин;

Кадастр агентлиги ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаш олиниши ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўрсин, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтирсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги амалга оширилган ишлар натижаси ҳақида **ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратурага ахборот бериб бурсин.

10. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш юзасидан тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибида **Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими**, ҳудудий тезкор-қидирув хизматларида эса **Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлиmlарини** ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган тузилмалар 73 та штат бирлигидан иборат бўлиб, улар ички ишлар органларининг 30 та, адлия органлари ва муассасаларининг 43 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

11. Белгилансинки: прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг учувчисиз учинч аппаратлари (дронлар)дан,

заруратга қўра, тўловсиз фойдаланиш ҳуқуқи бериллади; Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибидаги Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими ва унинг ҳудудий бўлиmlарининг ер муносабатларига оид жиноятларга қарши курашиш фаолияти устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органларининг мазкур қарор билан ташкил этилаётган бошқарма ва бўлиmlари зиммасига юклатилади.

Кадастр агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга кўчмас мулк объектлари, уларнинг мулкдорлари ва эгаллик тарихи ҳақида маълумотларни Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестридан онлайн олиш имкониятини яратсин.

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича **давлат манфаатларига етказилган зарарларни** белгиланган тартибда ундиришдан тушган маблағларнинг 10 фоизи тегишинча мазкур органларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ўтказиб борилин.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари ходимларини уларга юклатилган вазифалардан ташқари бошқа ишларга жалб қилиш қатъий тақилансин.

13. Олий суд: **2022 йил 1 апрелга қадар** ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ **ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб**, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тасвирларни берсин;

2022 йил 1 июлга қадар мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ ҳолатларни батафсил ўрганиш ишларини ташкил этсин ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифларни киритсин.

14. Бош прокуратура манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Бош прокуратура мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб **бир ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг ташкилий-штат тузилмаларини тасдиқласин.

Молия вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** тегишинча Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда ички ишлар органларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадалига ўзгартиришлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев, ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Қудбиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош Ўзбекистон Республикаси Қў вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6244-сон Фармонида қўра Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан “Ўзсанотқурилишбанк” АТБга ажратилган кредит линиясини 5 йил муддатга субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш чораларини кўрсин.

6. Қурилиш вазирлиги қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиш вақти ва таннархини пасайтириш мақсадида:

“Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда** ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 4-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллардан фойдаланишининг афзалликларни юзасидан кенг тарғибот қилиб бурсин;

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг

филиаллари томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида уларда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари қўлланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини таъминласин.

7. **2022-2023 йилларда янги норуда конларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг манзилли режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағлар доирасида **100 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилсин.**

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда 400 та** фойдала қазилма қон участкалари аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

9. Хоразм вилояти учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК–5233-сон қарорига мувофиқ зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати **камида 50 миллиард сўм миқдорда белгилансин.**

Бунда, ушбу тартибда қўра қиймати 50 миллиард сўмдан 200 миллиард сўмгача бўлган инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш харажатлари ушбу лойиҳалар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

10. Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қурилиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов, “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси С.С.Аннаклиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазири ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

МУТАСАДДИЛАРГА ТАВСИЯ ВА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Куни кеча Янгиҳаёт туманида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда туман Кенгаши депутатлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилот ва муассасалар масъул ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сенатор ва ҳаёт

Мулоқотда Сенатнинг йиғирма учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган бошқа масалалар баробарида, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ишга жойлаштириш орқали уларнинг турмуш даражасини ошириш, ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ер муносабатлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар ва ижтимоий соҳа объектлари ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ вазифалар атрофида таҳлил қилинди.

Тадбир давомида мутасаддиларга маъқулланган қонунлар, уларни амалда қўлаш механизмлари юзасидан жойларда сенаторлар ва депутатлар билан ҳамкорликда тушунтириш иш-

ларини ташкил этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда аҳоли иштирокчи кенгайтириш, хусусан, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали тақлифларни илгари сурши заруриги айтиб ўтинди.

Учрашувда, шунингдек, фуқаролар мувожадатларини атрофлича ўрганиш, уларда қўрилган муаммоларни ўз вақтида ва жойида ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг функционал таҳлилида нималар аниқланди?



Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти экспертлари томонидан ўтказилган функционал таҳлил доирасида вилоят, туман халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари ва котибият ходимлари, маҳаллий ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, хусусий сектор вакиллари, шунингдек, фуқаролар билан мулоқотлар олиб борилди.

Ўрганиш сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашганлигини, ҳудудий вакиллик органи сифатида Олий Мажлис Сенати томонидан улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳамда услубий жиҳатдан кўмаклашиш, депутатларнинг кўникма ва малакаларини

ошириш борасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётганини кўрсатди. Маҳаллий Кенгашлар ишини натижа сари буришга яқиндан кўмаклашиш мақсадида уларнинг котибиятлари ташкил этилди, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомлар янгидан тасдиқланди.

Ўзбекистон — ОТОИИК: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Комиссия доирасида Ўзбекистон Осиё автомобил йўллари тармоғи тўғрисидаги ҳужжатлар битимида (2005 йил), Транс-Осиё темир йўл тармоғи тўғрисидаги ҳужжатлар битимида (2009 йил), шунингдек, «Қуруқлик портлари» тўғрисидаги ҳужжатлар битимида (2021 йил) иштирок этиб келмоқда.

Ташкилот, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига яқиндан қўмақлашмоқда.

Ўзбекистон 2021 йил ноябрь ойида Барқарор ривожланиш учун космик технологиялардан фойдаланиш бўйича ОТОИИК минтақавий дастурига аъзо бўлди. Вазирлар Маҳкамаси ушбу минтақавий дастур дои-

расида Ўзбекистон ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

2021 йил 14 — 17 декабрь кунлари ОТОИИК транспорт бўйича вазирлар конференциясида қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг Осиё — Тинч океани минтақасида барқарор транспортни ривожлантириш тўғрисидаги декларацияга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ташаббусларини амалга ошириш масаласи ОТОИИК раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқилмоқда.

Минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва Марказий Осиё давлатларининг БМТнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида

ОТОИИК БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус дастури амалга оширмоқда. Унда ижтимоий-иқтисодий соҳада аниқ лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, БМТ минтақавий комиссияларидан иккала комиссиянинг аъзолари бўлган Марказий Осиё мамлакатларига техник ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганига 30 йил тўлиши муносабати билан ОТОИИК раҳбарияти томонидан «Дунё» АА агентлиги муҳрига берилган интервью чоғида икки томонлама ҳамкорлик натижасида эришилган муваффақиятлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақидаги фикрлар ўртоқлашилди.

Армида Сальсиа АЛИСШАХБАНА, БМТ Бош котибининг ўринбосари ва ОТОИИК Ижрочи котиб:



— Ўзбекистон ва унинг халқига Осиё ва Тинч океани учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси номидан ўз табрикларини йўллаганини БМТнинг Осиё минтақасидаги минтақавий маркази сифатида ОТОИИК ҳозирги пайтда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича кун тартибининг амалга ошириш, трансчегаравий асосий масалаларни ҳал қилиш ва савдо, транспорт ва бошқа устувор йўналишларни белгилашда минтақавий ҳамкорлик ривожлантирилишига стратегик эътиборни қаратмоқда.

Осиё минтақаси ҳужжатларининг янада самарали тикланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ОТОИИК БМТ Бош котиб Антониу Гутерриш томонидан тақдир қилинган «БМТнинг COVID-19га зудлик билан ижтимоий-иқтисодий жавоб бериш бўйича дастури»га мувофиқ айнан шу йўналишдаги дастурини ишлаб чиқди.

ОТОИИК ушбу ҳужжат доирасида қуйидаги учта йўналишда фаолият олиб бормоқда.

- одамларни ҳимоя қилиш ва уларга сармоя киритиш, жамият ҳамда жамоаларнинг, айниқса, аёллар ва заиф гуруҳларнинг барқарорлигини ошириш;
- 2030 йил кун тартиби ва Париж келишувига мувофиқ, физикал ва пул-кредит қўллаб-қувватловчи орқали барқарор ва инклюзив иқтисодий тикланишни рағбатлантириш;
- савдо, инвестиция, транспорт ва рақамли алоқаларни минтақавий ва субминтақавий мувофиқлаштириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни

қўллаб-қувватлаш орқали қиймат занжирларини тиклаш ва уларнинг барқарорлигини ошириш.

